



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
14 июль
ЧОРШАНБА
№ 55
(12.275)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАЖРИБАСИ ЗЎРНИНГ ҲОСИЛИ МЎЛ

Қибрай туманида "Сабзавотчиликда янги юқори сифатли навлар ва замонавий технологиялар" мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда сабзавот майдонларини кенгайтириш, тармоқда маҳсулдорлигини ошириш, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда қайта ишлаш корхоналарига хом ашё етказиб бериш масалалари атрофича муҳокама этилиди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарда таълиқ селекция олимлар, соҳа мутахассислари ва фермерлар иштирок этидилар. Тадбирда тупроқ унумдорлигини оширувчи алмашлаб экиш ва такрорий экинлар учун яроқли бўлган

дуккакли ўсимликларнинг эртапишар навларини яратиш, экологик тоза тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи янги биологик ўғитлардан самарали фойдаланиш, сабзавот экинларининг асосий зараркундаларига ва касалликларига қарши курашиш каби аграр соҳанинг долзарб масалалари илмий таҳлил қилинди.

Тадбирни ўтказиш учун тумандаги "Зиёвуддинов Рискали" фермер ҳўжалиги тан-

лангани бежиз эмас. Унда иштирокчилар сабзавот экинларининг янги навлари билан таништирилди.

Шу куни сабзавот экинлари янги навларининг сара уруғларини қўпайтириш мақсадида илмий муассасалар билан фермер ҳўжаликлари ўртасида шартномалар тузилди. Соҳага оид истиқболли излаш ишлари ва тадқиқотларни кенг тарғиб этиш, мулоқот, давра суҳбатлари уюштириш, илмий-тадқиқот институтлари билан фермерлар ўртасида ҳамкорликни мустақамлашга келишиб олинди.

Паркент туманидаги "Хилола Қорақалпоқ" фермер ҳўжалиги асосан мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштирилади.

Бундай илмий-амалий семинарларни ўтказиш биз — фермерлар учун катта аҳамиятга эга, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Руҳиддин Норматов. — Тажриба алмашамиз, янги истиқболли навлар билан танишамиз. Бу каби семинарлар тез-тез ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Учқун ҲАМДАМОВ.

СУРАТАЛАРДА: семинар иштирокчилари янги навлар билан танишмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Мустақилликка эришганимиздан сўнг муқаддас ва гўзал юртимиз заминидан ҳар томонлама озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимишга олий мақсад қилиб қўйдик. Бунда айнан "озода" ва "обода" деган тушунчаларга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта.

Нега деганда, озодлик ва ободлик ҳалқимиз учун қадим замонлардан бошлаб ўзаро муштарак, энг азиз, энг эзгу қадрият бўлиб келади.

Шу ўринда бир ўйлаб кўрайлик: юрт ободлиги нимадан бошланади? Авваламбор, шу юртининг эгаси бўлиши ҳалқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг пок ниятлари ва мақсадларидан, лўнда қилиб айтганда, кўнгил ободлигидан бошланади.

Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизда мана шундай буюк ва олжаноб мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган улкан ишлар она диёримизни ҳар томонлама обод этиш, уни дунёга танитишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десак, ҳеч қандай му- болога бўлмайди.

Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий, ҳақиқатан ҳам юз йилларга тенг, Ватанимизни янада обод қилишга қаратилган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида гапирар эканмиз, ҳалқимиз буларнинг барчасининг асосини ва бунёдкори деб Президентимизни таърифлаш бежиз эмас.

Ҳар сафар мамлакатимиз раҳбарининг улкан қурилиш майдонларида бўлиши билан боғлиқ лавҳаларни телевидение орқали кузатар эканмиз, бу Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Хива, Термиз, Қарши, Шахрисабз, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон ва бошқа бетақорр шаҳарларимизни обод этиш бўладини, Миллий бог, Мустақиллик майдони, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, "Ўзбекистон" ҳалқаро анжуманлар саройи сингари муҳташам қосоналарни бунёд қилиш бўладини, Ҳазрати Имом, Регистон, Шохизинда, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд қадимжоларини (бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин) тубдан таъмирлаб, қайтадан муқаддас зиёратгоҳларга айлантириш бўладини, ҳар қайси ана шундай муаззам мажмуа ёки майдон, иншоот ёки иморатларнинг лойиҳаси ва қурилиш бўйича у кишининг жуда қўқур ўйини ва ҳар томонлама асосланган амалий фикрлар билдирганига қўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном олган 2009 йилда "Қишлоқ тараққиёти тоғси, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади", деган эзгу гоғни ўзида ифода этадиган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва у бугунги кунда изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда.

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

Мақсуд дастурга биноан аввало қишлоқда яшайдиган аҳолининг тақдир ва келажагини ўйлаб, қишлоқларимизнинг архитектура нуктаи назаридан режалаштирилиши таъкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда ўтган қисқа вақт ичида қишлоқларимизни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январдаги қарорига биноан қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда қуриш ва шу негизда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида "Қишлоққурилиш-лоийҳа" лойиҳа-қидирув институти ташкил этилди ва мақсуд институт томонидан замонавий индустриал технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиладиган қўп хонали уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг замонавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида

пойтахтимизда ва кейинчалик вилоят марказларида ўтказилган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилди ва тегишли муҳокамалардан ўтказилди.

Таъкидлаш кераки, юртимизда бу лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари ҳам изчил равишда шакллантирилди. Бунда қишлоқда яққа тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш асосида фаолият олиб борадиган, юртимизнинг ҳар бир минтақасида ўз бўлимига эга бўлган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ташкил

дан зиёд корхона ташкил этилганлини қайд этиш лозим. Айни пайтда ушбу корхоналар зарур қурилиш маҳсулотларини сифатли тайёрлаб, имтиёзли нархларда қурувчиларга ўз вақтида етказиб бермоқда.

Юқорида зикр этилган барча йўналишлар албатта ўта муҳим аҳамиятга эга, лекин, ҳамма нарсаси аввало режадан бошланади, қурилишда эса жамики асосий омиллар орасида ҳал қилувчи ўрин тутадигани бу — лойиҳа эканини тушуниш қийин эмас.

Президентимиз Ислон Каримов шу йил июнь ойида Андижон ва

раза, бўёқ ва пардозлаш материалларидан тортиб, арзимасдай туюладиган оддий миҳни ҳам қидириб топиш, тоғанда ҳам албатта устама ҳақини бериш ва бу ашёларни қурилиш жойига ташиб келтириш учун транспорт харажатларини қўтариш... Тинкани қуриладиган бундай оврагарчиликлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, уй қурилиш ташвиши бошига тушган одам бу муаммоларни миридан-миридан яхши тасаввур қилади.

Бугунги кунда бу борадаги аҳвол тубдан ўзгармоқда. Янги уй-жойли бўлишни истаган қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёш оилалар уй қурилишида қақат ўз маблагини билан иштирок этади. Яъни, дастлаб уй-жой нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди ва бундан бўёғига қурилиш жараёнини назорат қилиб боради, холос. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади. Энг муҳими, бу уйлар учун тўловларни бирданга эмас, балки 15 йил давомида аста-секин тўлаб бориш тартиби ҳалқимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Бундай ҳолат ҳаммамизни хурсанд қилади, қўнғилимизни қўтарди, албатта. Айни чоғда, ҳар қандай ишни такомиллаштиришнинг чегараси йўқ, деганларидек, бу борада мавжуд бўлган айрим камчиликларни бартараф этиш, давлатимиз раҳбари ибораси билан айтганда, қилган ишларимиз билан мақтаниш, қўлга киритган ютуқларимизни кўз-кўз қилиш билан чекланиб қолмасдан, буларнинг барчасига танқидий кўз билан қарашимиз даркор. Аҳоли учун бундан ҳам қўлай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳаётимиз сифатини изчил юксалтириш йўлида яна нималар қилиш керак, деган саволни доимо олдимишга қўйиб яшашимиз зарур.

Президентимиз Фарғона вилоятида бўлган чоғида янги хонадонларнинг эгалари билан суҳбатлашиб, экспериментал тарзда қурилган бу уйлارнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини билдирди.

(Давом 2-бетда).



ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ДАЪВОГАРЛАР КЎП ЭДИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси туман бўлими, Ҳалқ депутатлари туман кенгаши ва Оқ-ота қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамкорликда "Шоликор" маҳалласида 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида футбол турнири ўтказилди.

Қизилқарли тарзда кечган баҳслар якунига кўра 1-ўрин Ўртачирчиқ тумани ЭРТС маҳалласи, 2-ўрин "Нихол" маҳалласи, 3-ўрин "Бағиш" маҳалласи жамоаси эгаллади.

Ғолиблар "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ҳамкор ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирландилар. Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

ИСТИСНОСИЗ БАРЧА ҚИШЛОҚЛАРДА

Туманда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда хотин-қизлар ва ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Туман хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан 20 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида, касб-хуна коллежлари ва умумтаълим мактабларида юздан ортиқ турли мавзулардаги тадбирлар, суҳбат

ва савол-жавоб кечалари ўтказилди. Уларга туман саломатлик маркази ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ва шифокорлар жалб этилди.

Юлдуз ҲАЗЛИЕВА.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

КЕРАКЛИ ТОШНИНГ ОФИРИ ЙЎҚ

Ҳазилкентда ёшлар ўртасида паурлифтинг бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. "Даврон-Жавлон-Жасурбек" хусусий корхонаси қўрган болалар спорт мажмуасига йиғилганлар ўзига ҳок бетақорр беллашувларга гувоҳ бўлишди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика паурлифтинг федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Бўстонлиқ туман ҳокимлиги кўмағида ҳалқ депутатлари туман кенгашининг депутаты, Паурлифтинг федерацияси вилоят бўлими раиси Машраб Махсумовнинг сая-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу чемпионатда мамлакатимизнинг бир нечта ҳудудларидан келган 13 та спорт жамайти вакиллари иштирок этишди.

Майдонни бир зумда муҳлисларнинг ғала-ғовури, оғир тошларнинг зарб товушлари тутди. Ниҳоят, ҳақамлар спортчилар орасидан ғолибларни аниқлашди. Йигитлар ўртасида Евгений Назаров ва Дмитрий Юсупов ғолиб топилди. Қизлардан эса Рамиля Сирожидинова ва Эльвира Самдиновалар энг қули, деб тан олинди.

Ғолиб ва ғолиблар жаҳон чемпионатиға йўлланма олишди. Энди уларни Чехияда нуфузли спорт мусобақаси кутмоқда.

Абдулла САДИВ.



СУРАТА: чемпионатнинг ҳаяжонли лаҳзалари. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

2010
йил
учун

ОБУНА
давом
этноқда

«ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг
индекси — 205

Ўтган қисқа вақт мобайнида бу муҳим масала Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишларда шу йўлга бевосита алоқадор мутахассис ва раҳбарлар, архитекторлар, лойиҳачи ва қурувчилар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг мутахассислари иштирокида бир неча бор муҳокама қилиниб, намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиқлаб таҳлил қилинди. Жумладан, Ўртабўшимиз томонидан мавжуд лойиҳалар табиий омиллар – шамол йўналиши, қуёш нурунинг тушиши каби муҳим иморатсозлик талабларини етарлича инобатга олмасдан режалаштирилгани, улар юртимиз ҳудудларининг ўзига хос маҳаллий аъёнлари ва табиий иқлим шароитини пухта ўрганмасдан тайёрлангани тўғрисида айрим хоналар бир-бирига нисбатан ноқулай жойлаштирилгани, шифти бироз паст, болалар хонаси, меҳмонхона, дахлиз ва зиналар, ваннахоналар тор бўлиб қолганига эътибор қаратилди.

Ўқиб яна бир мисол: уйга келган ҳар қайси меҳмоннинг авваллабор устки кийим-бошини ёчиши, қўлини ювиши, меҳмонхонага кириши учун шартли йўлқили, бир қарашда майда бўлиб қўринадиган бундай масалаларга лойиҳада олинган эътибор берилмагани аққол кўзга ташланади. Бу камчиликлари бартараф этиш учун лойиҳаларга тегишли ўзгаришлар киритиш, хусусан, юқорида зикр

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТАДБИР

Оҳангарон шаҳрида вилоят умумтаълим мактаблари фаолият юритиб келган ўқитувчилар учун семинар-тренинглар ўтказилди. Оҳангарон шаҳридаги 5-умумтаълим мактабда ташкил этилган тадбирда Ангрэн, Олмаиқ шаҳри ҳамда Оҳангарон тумани мактаб ўқитувчилари қатнашди.

ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР

Машгулотларда "Таълим тизимида ёшлар тарбияси", "Баркамол авлод йили" дастурида таълим соҳасига қўйилган вазифалар ва уларни амалга ошириш йўллари, "Умумий таълим муассасаларида муаммолар вазиятлар ва низолатни бартараф этиш", "Педагогика ва андрогика" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Ўқитиш ва ўрганишнинг интерфаол усуллари, уларни қўллаш методикаси бўйича тавсиялар ўртага ташланди. Иштирокчиларга вилоят халқ таълими бошқармасининг сертификатлари топширилди.

Комил ҲОШИМОВ.

Янгийўл шаҳар ҳокимлигида республика Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигида "Қишлоқ фаровонлигини таъминлашда – ёш тадбиркорларнинг ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди.

АСЛИДА МУАММО ЙЎҚ

Унда вилоят ва Янгийўл шаҳар банклари, солиқ бошқармаси вакиллари, Зангиота ва Чиноз туманидан ёш тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирдан қўзланган мақсад, – деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Баҳриддин Шокиров, – 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилишида ёшларнинг иш билан бандлик даражасини янада ошириш, қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишдан иборат.

Ийгилишда "Янгийўл шаҳрида тадбиркорлик субъектларига яратилган шарт-шароитлар", "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирларни амалга оширишда тадбиркорлар ва фермерлар билан ишлаш", "Тадбиркорларнинг қонуний ҳимоясининг", "Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда берилган имтиёзлар", "Қишлоқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаш" каби мавзулар кенг муҳокама қилинди.

этилган хоналарни кенгайтириш, деворлар баландлигини қўшимча 20 сантиметрга кўтариш, ошхона ва айвонни ёнма-ён жойлаштириш ва улардан меҳмонхонага бемалол ўтиладиган йўлак қилиш каби кўпсала масалалар бўйича аниқ қўрсатмалар берилди.

Шунингдек, дарвозахонада

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

ҳар қайси хонадоннинг шахсий ёнгил машинаси учун махсус жой қилиш, ҳавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, уйга тақаб қўрилган сув иситиш – қозонхона қўрилмасини ҳовлининг четига қўчириш тавсия қилинди.

Маълумки, ота-боболаримиз азалдан иморат қурилишида қатъий тартиб-режага амал қилишган, меъмор ва усталаримиз етти ўлчаб бир кесишган, деб таъкидлади Ўртабўшимиз муҳокама жараёнида. Хусусан, уйдаги дам оладиган, уқлайдиган хоналарнинг кўздан пана бўлишига алоҳида аҳамият беришган. Оиладаги аёлларнинг рўзгор юмушлари билан шуғулланиши, чалқоқни парвариш қилиши, ҳордиқ чиқариши учун, кесалар ва болалар учун ҳам ўзига хос қўлайлик яратишга инти-

лишган.

Лойиҳалар муҳокамасида сиртдан қараганда арзимасдек туюладиган, лекин кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай масалалар ҳақида суз юритар экан, Президентимиз янги уй-жойларни шарқона услудда, халқимизнинг миллий ҳаёт

тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳола, ёруғ, кенг ва қўлай қилиб барпо этиш зарурлигига алоҳида уруғ берди.

Нега деганда, бундай уйларга эга бўлиш учун инсон йиллар давомида пешона тери билан тўғлаган пулини сарфлайди. Энг муҳими, бу хонадонларда яхши ният билан неча ўн йиллар давомида бола-чақаси билан эмин-эркин ҳаёт кечириши, уни келгуси авлодига мерос қилиб қолдириши орсу қилади. Одамларнинг ана шундай ишончини унуттишга, уни оқламасликка бизнинг асло ҳаққимиз йўқ, деди Ўртабўшимиз.

Мана шундай узоқни кўзлайдиган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган лойиҳа-

лар асосида биз қишлоқда турмуш маданиятини янги босқичга кўтаришимиз керак.

Президент Ислам Каримов бу муҳим масалага бевосита дахлдор ва жавобгар бўлган барча мутахассис ва мутасаддилар олдиға ана шундай вазифани кескин қилиб қўйди. Таъкидлаш жоизки, бўлиб

ўтган муҳокамалар якуни бўйича ҳозирнинг ўзидаёқ амалий ишлар бошлаб юборилди. Аввало, Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ хусусий уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига жиддий ўзгариш ва тўзатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларда ҳар бир иморат қурувчига шу пайтгача ажратиб келинаётган 4 сотих ўрнига бундан буюн 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, янги уйларнинг янада кўркам қиёфа ва қўлай шароитга эга бўлиши учун қўшимча имкониятлар тўғрисида бериши шубҳасиз.

Ў.А.

Замон талаби, одамларнинг эҳтиёжи асосида ҳар қандай лойиҳага зарур тузатишлар киритиб, янада тақомиллаштириб борилиши табиий ҳол, албатта. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки етти пуштимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, нева-чеварларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.

Барчамиз кўп марта гувоҳ бўлганимиздек, Президентимизнинг ибратли бир одати бор: у киши қаерга бормасин, аввало оддий одамлар билан учрашди, уларнинг қувончу ташвишлари, оилавий шароити, муаммолари билан танишди. Доимо юртдошларимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада ошириш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшashi учун имкон яратишнинг янги-янги ва энг маъқул ечимларини топиш устида бош қотиради.

Ўртабўшимизнинг Андижон ва Фарғона вилоятларида бунёд этилган замонавий уй-жойлар билан танишиш асосида чиқарган танқидий ҳулосалари, қабул қилган қарорлари ва шу асосда янгича ёндашув билан олий борилаётган бунёдкорлик ишлари ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади, "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган ҳаётий ғояни амалда аққол намоён этиб турибди.

Ў.А.


Бу йил Тошкент давлат аграр университетига қарий 1750 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган, – дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Мурод Раҳмонкулов. – Шундан бир минг тўрт юздан зиёди бакалавр, қолган ўринлар эса магистр йўналишларига ажратилган.

Бакалавр йўналишида 20 та ва магистрликка эса 37 та йўналиш бўйича ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ақсарият абитуриентлар ўз ҳужжатларини иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг, фермер ҳўжалиқларини бошқариш ва юришти, агрономия, ветеринария факультетларига топ-

Феруза АЛИҚУЛОВА.

АБИТУРИЕНТ – 2010



ТАЛАБАЛИКНИНГ ИЛК СИНОВИ

Мақтаб, коллеж ва лицейларни тамомлаб, олий ўқув юрталарида таълим олишни ният қилган абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиб, уларга керакли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериш қабул комиссияларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шу кунларда олий ва ўрта махсус билим юрталаридаги қабул комиссияларининг иши айна қиссиган.

Бу йил Тошкент давлат аграр университетига қарий 1750 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган, – дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Мурод Раҳмонкулов. – Шундан бир минг тўрт юздан зиёди бакалавр, қолган ўринлар эса магистр йўналишларига ажратилган.

Бакалавр йўналишида 20 та ва магистрликка эса 37 та йўналиш бўйича ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ақсарият абитуриентлар ўз ҳужжатларини иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг, фермер ҳўжалиқларини бошқариш ва юришти, агрономия, ветеринария факультетларига топ-

ширишяпти. Айни кунга қадар улардан 1300 дан зиёд ҳужжат қабул қилинди. Бу жараён жадал давом этмоқда.

Бакалавр йўналиши бўйича ҳужжатлар қабул қилиш 20 июль кунини соат 18.00 га қадар давом этади. Магистрликка талабгорлар эса ҳужжатларини 1 августгача топширишлари мумкин.

Анъанага кўра, бакалавр йўналиши бўйича имтиҳонлар 1 август кунини тест синови асосида бўлиб ўтади. Магистратура йўналишига эса имтиҳонлар 3 августдан 10 августга қадар ўтказилди.

Бунда талабгорлар мутахассисликлари бўйича 2 та, шунингдек, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан имтиҳондан ўтдилар.

– Имтиҳонлар жараёни

назоратга олинади. Турли шпаргалка, уяли телефон ёки бошқа воситалардан фойдаланган абитуриентларга нисбатан қатъий чоралар қўрилади, – дейди Мурод Раҳмонкулов. – Шунинг учун ҳар бир бўлғуси талаба аввало ўз билими ва салоҳиятига ишонмоғи лозим. Ҳар қандай алдод, фирибгарларга ўғиб ҳам ўзларига, ҳам ўқузларга жабр қилмасликларига керак.

Дарҳақиқат, юртимизда таълим тизими тобора тақомиллашиб бормоқда. Шу маънода ўқув юрталарига қабул жараёнилари ҳам мукамаллашмоқда. Бу эса ёшларнинг ҳақиқий баркамол ва юқори салоҳият эгалари бўлишлари учун янада пухта замин яратмоқда.

Равшан РУСТАМОВ.

СУРАТДА: қабул жараёнида абитуриентларга турли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб борилад.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Техника тараққиёти барча жабҳада ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Кундан-кунга кўчаларимизда автотранспортларнинг сони кўпайиб бормоқда. Шунга яраша нефть маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Бу бир томондан яхши. Лекин масаланинг иккинчи томони борлигини унутмаслик керак. Яъни, нефть маҳсулотлари захира-си бор экан, леб уларни беҳудалга исроф қилиш яхши эмас.

Шу ўринда қорхона ва ташкилотларда, автомобилларга ёнгил қўйиш шахобчалари томонидан автотранспортларга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, беҳуда исроф бўлишининг олдини олиш, лицензия битимларини бажариш бўйича керакли эслатмаларни айтиб ўтсак. Қорхона ва ташкилотлар нефть маҳсулотларини (автобензин, дизель ёнгил-гиси, мазут ва бошқалар) ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган микдорлари белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги "Маҳсулотлар, ҳам ашё ва материалларнинг юқори ликвид-ли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарорига асосан нефть таъминоти қорхоналаридан сотиб олингандан сўнг, улардан фақат ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиб, қайта сотишлари мумкин эмаслиги белгиланган.

Шуни ёдда тутиш керакки, биргина автобензин саклан-ётган сиймалар ва ёнгил тар-қатиш устунлари носозлиги ҳисобига 2 фоиздан 5 фоиз-гача (100 тоннадан 5 тонна) нефть маҳсулотлари беҳуда исроф бўлиши мумкин. Авто-бензин сакланаётган сиймалар оқик ранга бўлмаганлиги, но-стандарт идишларда тарқати-лиш оқибатида йилда ўртача 1-2 тонна, нефть маҳсулотла-рини қабул қилиш ва саклаш-да жихозларнинг технологик носозлиги оқибатида (сония-да бир томондан оқик) йил-да 1,2 тоннагача, автотранс-порт ва механизмларнинг ёқил-ли бакларини меъёридан ор-тиқча тўлдириб ишлатилиши натижада бир йилда 1-2 тон-на, автотранспорт, механизм ва тракторларнинг ўз вақтида техник хизмат кўрсатмасдан ишлатилиш, ёнгил аппаратла-ри ва ўт олдириш тизимла-ри таъмирланмаганлиги, таъ-мирлашдан сўнг аккумулятор-сиз фойдаланиш, қишки дар-ларда двигателларни очик ҳолатда қиздириш оқибатида эса, ортиқча 20 фоизгача нефть маҳсулотлари сарфла-наётганлиги ачинади.

Шунингдек, автотранспорт воситалари сифатсиз нефть маҳсулотлари билан тўлдирил-ганда уларнинг двигателлари му-ддатидан илгари ишдан чи-қади ҳамда нефть маҳсулоти ор-тиқча сарфланади.

Шунга кўра, автомобиллар-га ёнгил қўйиш шахобчалари ва мой алмаштириш пунктла-рининг фаолияти амалдаги техник қондаларга жавоб бе-риши зарур. Улчов воситала-ри ва жихозлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белги-ланган тартибда таъмирлан-ган бўлиши керак. Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг "Ёнгил-моилаш мате-риалларининг сотилишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган ав-тобензин қўйиш шахобчалари-нинг ишлаш қондаларига му-вофиқ ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланиши, сотилаётган маҳсулотларга сифат сертифи-катининг мавжудлиги ва улар-нинг сертификатга мос кели-ши, давлат стандартлари, тех-ник шартлар талабига жавоб бермайдиган сифатсиз махсу-лотларнинг сотилиши ва ис-теъмоличиларга кам қўйилиш-га йўл қўймаслик талаб этила-ди. Лицензия битими талаб-лари бажарилмаган ҳолда ко-миссия томонидан белгилан-ган тартибда лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ва лицензия бекор қилиниши белгилан қўйилган.

Нефть маҳсулотларининг меъёрдан ортиқча сарфланиши ва асоссиз ҳисобдан чиқарили-ши ҳолатлари қузалишса, "Ўз-давнеф்த்தазминспекция" томони-дан қорхона ва ташкилотларга ресурсларидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида"ги Низомининг банд-ларига асосан иқтисодий жари-малар қўлланилиши мумкинли-гини эслатиб ўтиш даркор.

Бундан ташқари, ёнгил-моилаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, саклаш, бериш, олиш қондаларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш баравари-дан беш бараваригача миқдори-да жазима солишга сабаб бўлади.

Заминимизнинг энергия ре-сурсларини келажақ авлодлар-га ҳам етарли бўлишини таъ-минлаш, улардан оқилона ва тежамли фойдаланиш, исроф-гарчиликка йўл қўймаслик ҳар бириимизнинг фуқаролик бур-чимиздир.

Бахрулло САИТАЗИЗОВ,

"Ўздавнеф்த்தазминспекция"нинг

Тошкент шаҳар бўлими бош

технолог.

ОНАЛАР АЛЛА АЙТГАНДА

Кўхна урф-одатларимизни тиклаш, чечка қишлоқлардаги алла, ёр-ёр, айтишув, лапар ва ўлан айтувчи янги иқтидор соҳибларини кашф этиш ҳамда улар истеъдодини кенг тарғиб қилиш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, маънавият тарғибот бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Савдо-матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар қасаба уюшмалари кенгаши ҳам-

корлигида Тошкент туманида жойлашган "Эргаш ота" гузарига "Оналар кўйлаганда" номли кўрик-танлов бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиеваннинг кириш сўзи билан очилган кўрик-танловда киз узатиш маросими, айтишув, қайнона ва келин ўртасидаги муносабат, бешикдаги болага алла айтиш каби сахна кўринишлари иштирокчилар томонидан алоҳида завқ билан ижро

этилди. Тадбирда Келес шаҳри, «Кўктерак», «Масалбой», «Чувалачи», «Юнусобод», «Кўксарой», «Чоштепа», «Хасанбой» ва «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этишди. Танлов якунларига кўра, алла айтиш шарти бўйича фахрли ўринларни Келес шаҳри, «Хасанбой» ва «Кўктерак» маҳаллалари иштирокчилари эгаллашди. Ёр-ёр айтиш шартига кўра, «Чоштепа», «Келес» ҳамда «Чувалачи» маҳалла-

лари вакиллари совриндор бўлишди.

Лапар айтиш шарти бўйича «Кўксарой», «Масалбой» ва «Кизгалдоқ» маҳаллалари катнашчиларига ҳеч ким бас қолмади.

Тадбир сўнгига қолдиб ва совриндорлар ҳамкор ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Танлов якунида миллий кийимлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Феруза АЛИҚУЛОВА.



ИККИ КУНЛИК ФИКР ОЛИШУВ

вилоятимиздаги 900 га яқин маҳалла маслаҳатчилари учун низоҳатда фойдали бўлди

Шу боис уларнинг ўқитиш, янгиланаётган жамиятининг баркамол аъзоларини тарбиялашнинг бугунги долзарб масалаларини ҳал қила олиш малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Кўни кеча ўз ишини яқинлаган ўқув машгулотлари ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқару-ви ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг кўшма дастури асосида ўтказилган бу машгулотлар "Баркамол авлод тарбияси-да маҳалланинг ўрни" мавзусига бағишланди. Унда вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларидаги маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган 877 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи иштирок этиди.

Семинар машгулотларини вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева бошқарди. Иштирокчилар ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда маҳалла маслаҳатчиларини саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини оширишнинг аҳамияти, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда уларнинг иштирокини кучайтириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, қонун устуворлигини таъминлашда

профилактика нозирлари ҳамда маслаҳатчилар ҳамкорлиги, "Соғлом она соғлом бола" дастурини амалга оширишда маҳалланинг роли масалаларига доир маърузалар тинглан-ди.

– Ҳозирданок шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бу машгулотларнинг маҳалла маслаҳатчилари фаолияти-ни яна ҳам кучайтиришга таъсири катта бўлади, – деди Зангиота туманидаги "Ўзбекистон" маҳалласи маслаҳатчиси Мастура Солиқова. – Биз жуда мукам-мал тавсиялар, йўл-йўриқлар олдик. Навбат – ишни шу асосда олиб бориб, кун-далиқ тарбиявий фаолият-да кўзланган мақсадларга эришимизимизда.

– Маълумки, маҳалла маслаҳатчиларининг иш қўламини низоҳатда кенг, – деди "Маҳалла" хайрия жамғармаси Паркент туман кенгашининг бош мутахас-сиси Раҳима Ғофурова. – Гап диққат-эътиборни энг долзарб, шу куннинг муҳим масалаларига қарата би-лишда. Шу маънода бу машгулотлар бизни янги тажриба, самарали иш усуллари билан қуроллан-тирди.

Дарвоқе, семинар машгулотлари жараёнида Паркент тумани маҳалла маслаҳатчиларининг самарали фаолияти ибрат сифатида тилга олинди. Паркент шаҳарчаси ва қишлоқлардаги 50 та маҳаллада улар одам-ларнинг қувонч ва ташвиш-

ларига энг яқин кишилар ҳисобланишди. Улар одам-ларда ўз юрти билан фахр-ланиш, унинг азалий уду-мларини эъзозлаш ва бойи-тишга интилиш тўғрисида тарбиялашга катта ҳисса қўшишяпти. "Маҳалламиз тарихини ўрганамиз" кўрик-танлови ғолиби – "Истиқ-бол" маҳалласи маслаҳатчи-си Лобар Юнусова ёки Қўрғонтепа маҳалласи мас-лаҳатчиси Қўмри Мирза-сидовларнинг фаолияти бунга ёрқин мисол. «Самар-обод», «Сой», «Қўрғон» ма-ҳаллалари маслаҳатчилари Шукрият Мирзақаримова, Махсума Ғанихонова, Маъ-мура Тўраевалар ҳам соғ-лом, баркамол авлод тар-биясига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Икки кун давомида вилоят Маънавият ва маърифат марказидаги фикр олишув-лар кизгин давом этиди, иб-ратли тажрибалар ўртоқла-шилди. Лекин маҳалла мас-лаҳатчилари фаолиятининг самарадорлигига пўтур ет-казётган ҳолатлар, муам-молар ҳам унутилгани йўқ. Гап шундаки, гоҳи ҳоллар-да "Маҳалла" жамғармаси-нинг айрим шаҳар ёки ту-ман кенгашлари уларнинг ишларини оқилона йўналти-

ра олмаёпти, майда-чўйда ишлар билан банд қилиб қўяёпти.

– Маълумки, кейинги пайтда маҳалла маслаҳатчи-ларининг деярли ярми ян-гиланди, – деди "Маҳалла" хайрия жамғармаси респу-блика бошқаруви раисининг ўринбосари Гулнора Йўлчи-ева. – Лекин ҳамон улар мақсадли, режалли ишлаш-ларига тўла эриша олмаёп-миз. Ички ишлар, адлия ва бошқа ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш идоралари билан ҳамкорликда ишлаш малакалари суст эгаллан-моқда. Жойларда барча маслаҳатчилар ҳам кунда-лик фаолиятда жамоатчилик кенгашларига таянмоқда-лар, дея олмаймиз. Маҳал-ла маслаҳатчиларини турли идорал

БУГУННИНГ ГАПИ

Оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, минтақамиздаги айрим мамлакатларда қорамоллар ўртасида бруцеллёз, туберкулёз, лейкоз, пастереллёз касалликлари бўйича мураккаб эпизоотик вазият юзага келган. Шу боис юртимизда профилактика ва эпизоотияга қарши тадбирлар янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология нazorати бош бошқармасидан маълум қилишларича, минтақамиздаги баъзи мамлакатларда юзага келган эпизоотик вазиятдан қелиб чиқиб, жойларда санитария-эпидемиология нazorати ишлари янада кучайтирилмоқда. Туберкулёз, бруцеллёз, лейкоз ва пастереллёз касалликларининг этиологияси, эпидемиологияси, клиникаси, диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикаси юзасидан шифокорларнинг хушёрлигини янада ошириш мақсадида барча ҳудудларда семинарлар ўтказилган.

Халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш юзасидан оlib берилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ
БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Давлатимиз чегараларида, халқаро аэропортларда, дарё порти ва темир йўл вокзалларида, автомагистралларда 58 санитария нazorати пункти ишлаб турибди. Улар махсусотлардан намуна олувчи жамланмалар, зарарсизлантириш ишларини ўтказиш учун дезинфекция моддалари ва воситалари билан тўла таъминланган. Деҳқон бозорлари ҳузурида фаолият юритаётган санитария-ветеринария экспертиза лабораторияларида ҳам назорат-таҳлил ишлари кучайтирилган.

Мамлакатимизда аҳолини эпидемиологик ва эпизоотик таҳдидлардан ҳимоялашнинг ўзига

хос тизими шаклланган, — деди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош эпидемиологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Иброҳим Маматқулов. — Бу борада ишлаб чиқилган

қўмак бермоқдалар. Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида бўлиб ўтган ана шундай тадбирларда олимлар, жойлардаги тиббиёт муассасалари

ларини яратиш ҳам муҳим вазифалардан биридир. Бу борада мамлакатимиз илмий-тадқиқот муассасалари олимлари ҳам чуқур илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти, Республика карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази тадқиқотчиларининг ана шундай изланишлари жараёнида одамлар ва ҳайвонлар орасида бруцеллёз тарқалишининг олдини олиш ва даволашда яхши самара берадиган "Иннамек" ва "Иммун-5" препаратлари яратилиб, синавдан муваффақиятли ўтди ва давлат реестрига олинди. Маҳаллий хом ашёдан олинadиган ушбу препаратлар профилактика ва даволаш ишларини ташкил этишда юқори самарага эга экани амалда исботланди. Ҳозирги кунда мазкур шифо воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ўза муҳбири.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

НОТАРИУС
УЙИМИЗГА
КЕЛА ОЛАДИМИ?

Сўнгги пайтларда тахририятга турли масалаларга оид кўплаб хатлар ва мурожаатлар келмоқда. Уларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқларига оид саволлардир. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда уларга мутахассисларнинг жавобларини газета саҳифаларида бериб боришга қарор қилдик.

Қуйида газетхонлардан келган туркум мавзудаги саволларга вилоят Адлия бошқармасининг ҳуқуқий ва маърифий тарғибот масалалари бўйича етакчи мутахассиси Алишер Тўраевнинг жавобларини ўқийингиз мумкин.

Отам касаллиги сабабли юра олмайди, лекин ақли-хуши жойида. У киши ўзига тегишли бўлган ҳовли-жойни укамга ҳадя қилмоқчи. Бундай ҳолларда нотариус ўз вазифасини отам яшаб турган ҳонадонга келиб бажариши мумкинми?

Саломат Умирова,
Пискент тумани.

— Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган "Нотариат тўғрисида"ги Қонун талабига асосан, нотариал ҳаракатлар нотариус ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган биноларда амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга

кўра юқоридagi манзилга кела олмаса айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар фуқаронинг яшаш жойида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай вазиятда барча ҳужжатларда ҳамда қайд этиш реестрида нотариал ҳаракат амалга оширилган жой манзилгоҳи кўрсатилади.

Пойтахтда фаолият юритаётган кўп нотариуслар ҳужжатларни рус тилида тўдирлади. Аслида нотариал ҳаракат қонун бўйича қайси тилда бажарилиши керак?

Жасур Қурбанов,
Тўйтапа шаҳри.

1995 йил 21 декабрда янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат тили ўзбек тилидир. Бироқ "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасига кўра расмийлаштириладиган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус ёки нотариал ҳаракатни амалга оширувчи шахс томонидан рус тилида ёки имкон бўлса микозга тушунари бўлган бошқа тилда бери-

лиши мумкин. Агар мурожаат қилган шахс ўзи тушунмаган тилда ёзилган нотариал ҳужжати олса, бундай ҳолларда нотариус ёки таржимон томонидан матн таржима қилинади. Ҳужжатга эса матн таржима қилинганлиги ва мазмуну нотариус томонидан тушунтирилганлиги ҳақида белги қўйилиб, имзоланади. Нотариал ҳаракатни бажаришни сўраб мурожаат қилган шахс ҳужжатдаги тилни билмаган тақдирда, ўзи билган тилда имзо қўйиши мумкин.

Онам яқинда барча фарзандларини қақариб, ўз номидан бўлган мулкларни меросхўрларга адолат билан тақсимлаб чиққанлигини, васиятнома нотариус орқали маълумлаштирилганлигини маълум қилди. Васиятнома мазмунини билан қизиқиб, нотариусга мурожаат этган эдик, у васиятномани ошкор этишни рад этди. Шу тўғрисида?

Шарифа Зарипова,
Тошкент тумани.

Нотариал идорада бажарилган барча ҳаракатлар сир сақлангани лозим. Нотариус, шунингдек, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар, ҳамда амалга оширилган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан бабардор бўлиб қолган шахслар ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилишлари ҳатто меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам тақиқланади.


Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириги билан амалга

оширилган бўлса, уша шахсининг ўзигагина берилиши мумкин. Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотнома васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлиладилар.

Юқоридagiдагиларга асосан айтиш мумкинки, бу ҳолатда нотариус ўз вазифасини қонун талабига мувофиқ бажарган.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ЧИЛЛА СУВИДА
ХОСИЯТ КЎП

Пискент туманида тажрибали фермерлар талайгина. Бугун улар ҳам пахтачиликка, ҳам галлачиликка катта муваффақиятларга эришишаётир.

Ана шундайлардан бири — "Низомжон Қодиржонов" фермер хўжалигининг 141 гектар эри бор. Бу йил ҳўжалик 51,2 гектар майдонга буғдой, 75,8 гектарга чигит экди. Айни кунларда галла майдонларида

ўрим-йиғим авжида. Фермернинг гўзалари ҳам гуркираб ривожланыпти.

— Мақсадимиз ҳосил-

дорликни 45 центнерга етказиш, — дейди хўжалик раҳбари Орифжон Икромов. — Бунинг учун барча имкониятларини ишга солиб, мўл ҳосил тақдирини ҳал қилувчи айни дамларда гўза парваришига зўр бераёلمиз.

СУРАТДА: фермер Орифжон Икромов.
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси
босқимча-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан МЧЖ "Кўк Терак Матлубот инвест" оғборхонаси ва МЧЖ "Бурхон савдо" оғборхоналарида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1.09.06.2010 йил. № 6749-сон ижро ҳужжат. асосан 1990 йилда иш.чик. дав.бел. 11 L 6283 бўлган "ИЖ-21251010" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи - 1 310 264 сўм, 2. 09.07.2010 йил. № 7332-сон ижро ҳужжат. асосан 2000 йилда иш.чик. дав.бел. 11 B 6234 бўлган "Газ-3110" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи - 6 783 544 сўм, 3.15.06.2010 йил. № 6843-сон ижро ҳужжат. асосан 1976 йилда иш.чик. дав.бел. 01 Q 068 CA бўлган "Ваз-2106" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 992 179 сўм, 4.02.07.2010 йил. № 7340-сон ижро ҳужжат. асосан 1978 йилда иш.чик. дав.бел. 11 Y 0567 бўлган "Ваз-21011" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 595 630 сўм, 5.02.06.2010 йил. № 7335-сон ижро ҳужжат. асосан иш.чик. номалум дав.бел. 11 D 8782 бўлган "Камаз-5312" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи - 18 323 845 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 17 август кuni соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 2 сентябрь кuni бўлиб ўтади.

2010 йил 3 август кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига Оқўрғон тумани СИБ томонидан Оқўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 24.08.2009 йилдаги № 685-сон ижро варақасига асосан 1993 йилда ишлаб чик. дав.бел. A 962 T2M, бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 4 004 424 сўм, 2.24.08.2009 йилдаги № 684-сон ижро варақасига асосан ишлаб чик.номаълум дав.бел. но.маълум, бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 4 795 850 сўм, 3.24.08.2009 йилдаги № 577-сон ижро варақасига асосан 1996 йилда ишлаб чик. дав.бел. X 918UMM, бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 4 783 002 сўм, 4.24.08.2009 йилда-

ги № 681-сон ижро варақасига асосан 1982 йилда ишлаб чик. дав.бел. H 158 KM36, бўлган "Opel Kadet" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 204 473 сўм, 5. 24.09.2009 йилдаги № 1-219-сон ижро варақасига асосан 1988 йилда ишлаб чик. дав.бел. X 084 AEN, бўлган "Daimler Benz 230" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 9 192 813 сўм.

Паркент тумани СИБ томонидан аукцион савдосига қўйилган бошланғич нархи - 85 823 199 сўм бўлган 25.04.2008 йилдаги 11-10824/2074 ва 11-0824/2075-сон ижро варақаларига асосан Тошкент вилояти Паркент тумани, Хисарак қишлоғида жойлашган МЧЖ "Хисарак Сохибкор" корхонасига қарашли 2-каватли маъмурий биноси аукцион савдолари тўхтатилганлигини маълум қиламиз. Асосан: Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2010 йил 1 июлдаги 11-0824/15129-сон ажрими, ва Юнусобод тумани СИБ томонидан 10.05.2010 йилдаги № 10-1015/2647-сон ижро варақасига асосан умумий майдони 13 кв.м., бўлган Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Чимбой ва Мўхбир кўчалари чорраҳасида жойлашган бошланғич нархи 9 200 000 сўм бўлган дўкон биноси аукцион савдоларида олинди. Асосан: Юнусобод тумани СИБнинг 2010 йил 12 июлдаги №13652/10-сон хати.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотeka банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчи бевосита жойига кириб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

НИГОХ

ЭЙ САРБОН, ЎЙЛАБ ГАПИР,
ОРТИНГДА КАРВОН БОРАДУР...

Президент Имомали Раҳмоннинг Тожикистон парламентиغا йўллаган мактуби билан танишиб, беихтиёр эски латифани эсладик. У янгида талқинда қандай маъно касб этаркин?

Тасаввур қилайлик, мажлислар залида Президент мактубини тинглашяпти.

"Иқтисодий таназзулнинг аёвсиз тасвирига қарамай, республика ҳукуматининг таназзулга қарши чора-тадбирлари натижасида бу йил ички ялли маҳсулот 2008 йилдагига нисбатан 3-5 фоиз кўпайди".

Залда қарсақлар янграйди.

"Тожикистонда инфляцияни 5 фоиз даражасида ушлаб туришга эришилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,7 фоиз паст".

Залда гулдурас қарсақлар давом этади.

"Тожикистон аҳолисининг пул даромади 15 фоиз кўпайди. Таназзулнинг хуружига қарамай, ижтимоий тармок, жумладан, таълим,

соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан ва маданият соҳалари ҳодимларининг иш ҳақлари ўртача 20 фоиз ошди".

Зал янада қуюқ ва кучли қарсақлардан ларзага келади.

"2007 йилда Тожикистон ҳукумати ва мустақил ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакат аҳолиси турмуш даражаси юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, камбағаллик даражаси 2003 йилдаги 73 фоиздан 2007 йилда 53 фоизга тушди. Бу жараён 2008 ва 2009 йилларда ҳам давом этади, 50 фоизгача пайсайд. Натижада бир миллиондан зиёд аҳоли камбағаллик чегарасидан юқори кўтарилди".

Зал давомли қарсақлар, мамнун ҳайқириқларга кўмилиб кетади.

Шу пайт залда аянчли йиғи товуши қулоққа чалинади. Халмама ўгирилиб, кўз ёш тўкаётган кекса парламентарчи қарайди. У ўпкаси тўлиб ҳикматлаганча, "Тожикистонга боргим келаяпти... Мен Тожикистонга кетаман..." дерди.

Латифалар ўз йўлига. Энди масалага жиддий ёндошайлик. Президент мактуб орқали парламентга мурожаат қилар экан, бизнингча, депутатлар фаолиятининг устувор йўналишлари ва мамлакатни ривожлантиришнинг асосий вазифаларини белгилаб бериши лозим. Бу — тушунарли, У ёки бу даражада ривожланган мамлакатларда одат шундай. Бироқ Тожикистонда ахвол, вазият ўзгача. Ўйлаймики, Имомали Раҳмон Президент сифатида бунчи ҳисобга олиши керак эди. Аммо, мактубнинг анчагина галати матни бизда баъзи фикр-мулохазаларни уйғотди. Айтийлик, Президентнинг ўз халқи қандай яшаётганидан хабари бормикин?

Ўз олдида аниқ мақсад ва вазифалар қўйиш билан бирга буларга қандай қилиб

эришиш йўлларини ҳам бишлиш керак. Зеро, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Масалан, Имомали Раҳмон ўз мактубида давлатнинг асосий иқтисодий сиёсатининг мақсади иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш эканлигини эслатади. Барча режалар асосан учта стратегик мақсад доирасида тузилган: энергетик мустақиллигини таъминлаш; мамлакатни коммуникациянинг боши берк кўчасида олиб чиқиш; озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Булар режалари амалга оширилаяпти.

Гап йўқ, бу вазифаларни бажариш Тожикистон учун жуда зарур. Бироқ, уларнинг "режалари амалга оширилаяпти" шубҳа уйғотди.

Тожикистон Роғун ГЭСини қандай йўллар билан қуриб битказмоқчи бўлаётгани тилларда дoston бўлиб, халқаро кўламда муҳокама қилинаяпти. Айрим таҳлилчилар фикрига кўра, аҳолининг ГЭС акцияларини "кўнгилли" тарзда сотиб олаётгани Қирғизистонда уй-жой коммунал хўжалиги тўловлари оширилганда юз берганидек, халқнинг норозилигини кўзатиб юбориши мумкин. Афтидан, ҳукуматдагилар шу ҳақда ўйлаб қолдилар шекилли, одамлар сўнгги тийинларини "мустақиллик тимсоли" қурилиши акцияларига тўлашаётганини кўз-кўз қилишга қаратилган "кўргазмалар" намойишлар бироқ пайсайд. ГЭС қурилиши учун зарур бўладиган катта маблағни қашшоқ халқдан йиғишнинг амалда олжани йўқлигини ниҳоят, "юқори"дагилар тушунган кўринишади. Бироқ битта савол ҳамон муаллақ турибди: "Чироили "қоз"-лар учун йиғилган аввалги пуллар энди қаёққа кетади?"

Бу ҳукмдорнинг югурдақлари зуравонлик билан солиқлар йиғиб, аҳолини қашшоқликка маҳкум этганлари ҳақидаги тарихни эслатади. Агар бу чинакам энергетика мустақиллигини таъминлашни "режалари амалга ошириш" бўлса, ўйлаймики, бу мамлакатда бунга ҳеч қачон эришиб бўлмайди.

Мамлакатни коммуникациянинг боши берк кўчасидан олиб чиқиш масаласига келсак, бу ерда вазият янада мураккаб. Аввалига бу боши берклик қандай юзага келганини тушуниб олоқ керак. Янги йўллар қуриш учун ҳар қили йўналишда қандай оқимлар ташилишини бишлиш лозим бўлади. Бугунги бор магистраль йўллар Тожикистонга ва Тожикистондан йўналишларда юк ташилиши учун бемалол мос келади. Мамлакатнинг транспорт салоҳияти ҳам юқори эмас. Шундай экан, бу ишларга миллиардларни сарфлаш ўринлимикин? Боши берк кўчага кириб қолганининг сабаби бошқа ёқда.

Тошкент вилояти Тошкент тумани Келес шахрида
жойлашган "KONKORTTRANSSEVIR" МЧЖга
қарашли бўлган йўловчиларни шаҳар атрофида
ташиш учун берилган қуйидаги:

АТ № 0008287 — СНГ ГАЗ-32211 — 01N241BA; АТ № 0006219 — ГБА СПГ ДАМАС GM UZ — 10V524AA; АТ № 0008284 — ГБА СПГ ДАМАС GM UZ — 10F1678AA; АТ № 0008285 — ГБА СПГ ДАМАС DAEWOO — 10A678AA; АТ № 0009494 — ДАМАС — 01F074CA; АТ № 0009495 ДАМАС SHG — 30Z8956; АТ № 0009496 — ДАМАС — 30F7055; АТ № 0009497 ДАМАС — 11V5954; АТ № 0009498 ГБА СПГ ДАМАС GM UZ — 10N572BA; АТ № 0009499 ГБА СПГ ДАМАС DAEWOO — 10A781CA; АТ № 0009500 — ДАМАС SNG — 01B350CA; АТ № 0010221 — ДАМАС УСТ. ГАЗ — 01Y785AA; АТ № 0010222 — ДАМАС — 01M102BA; АТ № 0010223 ГБА СПГ ДАМАС DAEWOO — 10V079AA; АТ № 0009954 — ДАМАС — 11V0279 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги, муддати ўтганлиги ва тендер шартномаси бекор қилинганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота туманидаги "ICHIMLIK SAVDO INVEST" МЧЖга тегишли бўлган 2162/1 рақамли гувоҳнома ҳамда таъсис ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "MALIKA CARPET BIZNES", регистриванное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства в хокимията Шайхантаурского района г. Ташкента № 003098-09 от 04.02.2009г., (ИНН 301050530) ул. Кичик халка йўли, дом № 61, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение директора № 1).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 235-22-68.

Масалан, республика ичка-рисиди ханузгача рисолада-гидек транспорт инфрату-зилмасини яратишолмаяпти. Транспорт воситалари ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатлардан аялқачон э-скириб бўлган. Анга самолёт, локомотив, вагон, юк авто-мобиллари ва автобуслар сотиб олиш учун эса пул йўқ. Бунинг устига шуниси ҳам борки, Тожикистонга юк олиб келиш ва йўловчи та-шишдан наркотадбиркорлар фаоллик билан фойдалан-моқдалар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳақида гап борганда шунга эслаш керакки, собиқ тузум даврида Тожикистон ерлари халқага нима берди ва қизиқиб кўриш лозимки, нега энди бугун мустақил-ликка эришган мамлакат ўз халқини боқолмаяпти? Яна-ки, халқнинг асосий "нонсу-кар" қисми даромад дарди-да хорихда юрган бўлса?

Тўри, Президент нимани гапирди — ўзининг иши. Бироқ давлат бошлигининг мурожаати матнини халқ-нинг бугунги ҳаётига солиш-тириб кўрганлар бир-бири-га ўхшамаган икки хил мам-лакат ҳақида гап борапти, деб ўйламаслиги керак-да. Президент парламентга мактуб тайёрлар экан, бу-гунги ҳақиқий ахволдан кели-б чиқиб, фикр юрийтиши лозим эди. Халқнинг ҳо-зи-ри ҳаёти эса, бизга ойина ҳа-жон орқали намойиш эти-шаётгандек, хурсанд бўла-диган даражада эмас.

Хуллас, халқнинг Прези-дентга берадиган аччиқ, аммо ўринли саволлари кўп. Қанча бола мактабга бор-май, оиласига ёрдам бериш учун ишлашга мажбур бў-лаяпти? Тоғли қишлоқлар аҳолиси малакали тиббий ёрдам ололадими? Респуб-лика раҳбарлари ногиронлар ҳақида қай даражада қай-ғу-рилаяпти? Пенсционерларни ойда олаётган пулларига айти олишлари масаласида ҳукумат қандай фикрда?

Мамлакат етакчиси шу ва бошқа ҳақли саволларга тўғри ва ҳолис жавоб бера оладими? Ҳойнаҳой йўқ. Негаки, "ноқулай" саволлар бермайдиган депутатларга мактуб орқали мурожаат қилиш бошқа-ю, тоғли ту-манларга бориб, халқ қан-дай яшаётганини кўриш мутлақо бошқа нарса.

Президент мурожаатида келтирилган рақам ва далил-лар оддий одамлар учун ҳеч нарсга бермайдилар. Бироқ "То-жикистон" дея аталмиш кема олдинга сузиш уртига уммон тўбига тобора чўкиб бораёт-ганини кўриш ва тушуниш учун кўпма ақл керак эмас. Гарчи Президент мурожаати-да ҳукумат ва мустақил таш-килотлар фикрига асосланиб, камбағаллик даражаси 50 фоизга тушганлиги таъкид-ланади, БМТнинг инсон та-раққиёти бўйича ҳисоботида Тожикистонда аҳолининг 80 фоиздан кўпроги камбағал-ликда яшаётгани аниқ қайд этилган.

Диловаршо ДАМДОРОВ.
www.centrasia.ru

Спорт САФАРДАГИ ГАЛАБА

Теннис бўйича эркаклар ўртасидаги Дэвис кубоги мусобақасида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё-Океания минтақаси I гуруҳидаги ўринни сақлаб қолиш учун Жанубий Корея терма жамоаси вакиллари билан ўзаро куч синашди.

Осиёнинг кучли терма жамоалари иштирокидаги ўшбу беллашувга Жанубий Корея мезбонлиги қилди. Мусобақанинг биринчи кунги яққиллик ўртасида иккита учрашув ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиси Денис Истомин рақибни Лим Юнг Кюни мағлубиятга учратди. Иккинчи баҳсда Фаррух Дўстов Юн Жун Ким билан рақобатлашиб, у ҳам зафар қучди.

Қондага биноан иккинчи кунги беллашуларда жуфтликлар куч синашди. Мурод Иноятлов ва Денис Истомин дуети рақиблари – Кю Тай Ии ва Юн Жун Кимни доғда қолдиришди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси рақиб майдонига ўтказилган баҳсда 4:1 ҳисобида зафар қучди ва Осиё-Океания минтақаси I гуруҳидаги ўринни сақлаб қолди.

ОЛИЙ ЛИГАГА КИМ ЧИҚАДИ?

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати биринчи лигасида иштирок этаётган жамоалар йигирма иккинчи тур учрашувларини ўтказди.

"Фарб" минтақасининг энг қизиқарли учрашуви Хивада бўлди. "Хива" жамоаси меҳмони бўлган "Насас-2" (Қарши) вакиллари Ф. Давроннинг голи эвазига аввалига устунлик қилди. Лекин учрашув аяқланишига бир дақиқа қолганда А. Ежов ва А. Акрамов биттадан гол уриб, "Хива"нинг 2:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

"Гулистон" футболчилари ўз майдонига "Зарафшон-НЦЗ" (Навоий) жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. Б. Турдиков ва Х. Илдошев ва С. Саримовнинг биттадан голи мезбонларга 4:1 ҳисобида галаба келтирди. Навоийликларнинг ягона жаҳов тўғи Д. Досанов ҳисобига ёзилди.

Қолган ўйинлар дуранг натижа билан тугалланди: "Машъал-Академия" (Муборак) – "Шўрчи-Лочин" (Шўрчи) 0:0, "Жайхун" (Нукус) – "Шўртан-2" (Фузур) 2:2, "Сўғдиёна" (Жиззах) – "Динамо-Фаллакор" (Галларол) 0:0.

"Шарк" минтақасида энг йирик натижа Косонсойда қайд этилди. Тошкентнинг "Шайхонтоҳур" жамоасини қабул қилган "Косонсой" футболчиларидан Д. Назиров туртта, И. Нарзуллаев ва Н. Жўраев биттадан гол киритди – 6:0.

Мусобақа пешқадами "Локомотив-БФК" Маргилонда "Атлас" билан куч синашди. Учрашувда А. Сидоровнинг аниқ зарбаси тошкентликларга навабдаги уч очкони келтирди. Қолган учрашулар куйидагича аяқланди: "Имкон-Олтиариқ" (Олтиариқ) – "Бунёдкор-2" (Чирчиқ) 3:3, "Оқтепа" (Тошкент) – "Спартак" (Тошкент) 3:1, "Раш-Милк" (Шахрихон) – "НВУ-Осиё" (Тошкент) 0:5, "Чуст-Пахтакор" (Чуст) – "Дўрмон-Спорт" (Кибрай) 1:0.

Зоҳир ТОШУЖАЕВ,
Ўза шарҳловчиси.

ЧЕМПИОНАТДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Мана, нафақат ашаддий ишқибозлар, балки миллионлаб оддий муҳлиснинг нигоҳини бир ой давомида Жанубий Африка Республикасидаги тўққизта ўйингоҳга жалб этган катта футбол томошаси тугади. Пировард натижадан кимлар рози, кимлар норози. Умуман, ўйинлар хусусидаги фикр-мулоҳазалар ҳам хилма-хил. Бу – табиий ҳол, албатта. Зеро, ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, яъни футболни қай даражада тушунишига қараб фикрлайди. Ҳатто, мутахассисларнинг ҳулосалари ҳам бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Биз, оддий муҳлисларни-ку, қўверасиз.

Чемпионат тугади, аммо ҳис-ҳаяжон, баҳс-мунозаралар ҳали давом этади. Чунки, учрашулар жараёни кутилганидан кўра, қўтилмаган воқеаларга бой бўлди. Буни барча муҳлис-лар ойнаи бежолан орқали тўлиқ олиб берилган намоишларда ўз кўзлари билан кузатдилар. Шу боис учрашулар тафсилотиға берилмай, шахсий фикрларимизни баён этмоқчимиз.

Ҳақиқат бу йилги мундиалнинг аввалгиларидан фарқ қилганидан ўзига ҳо ҳижатларидан бошлаб, аввало шуни таъкидламоқчимизки, ҳар доим қўлчилар қаторида тилга олинадиган айрим мамлакатлар терма жамоаларининг маҳорати сусайганилиги ва аксинча, баъзи миллий терма жамоаларнинг таҳрибалари анча ошганлиги учрашулар жараёнида сезилиб турди. Шунингдек, айрим футбол олдзулари ҳам майдонда аввалгидек ёрқин порлай олмадилар.

Иккинчидан, аввалги чемпионатдан сўнг ўтган тўрт йил муддатда миллионларнинг севибли ўйини бўлган футбол бироз қўполлашгандек туюлди бизга. Айниқса, "тирсак жанги" анча кучайгани аққол сезилиб қолди. Тўғри бош билан ўйнаш баҳонасида рақибнинг юз-қўзи демай, тирсакни ишга солиб, уни сафдан чиқариш ҳоллари ҳам юз берди. Тўп қолиб, оёққа зарба бериш, йиқилганларни аямай, босиб, эзиб ўтишлар муҳлис-ларнинг кескин эътирозлариға сабаб бўлди.

Балки бу юзга яқин қўлай жойга телекамералар ўрна-тилиб, ўйинлар тасвирга тушириб берилгани ва қўпол, яъни "футболдан ташқари" хатти-ҳаракатлар қайта-қайта намоиш этиб турганининг натижасидир. Бу – XIX чемпионатнинг учинчи ўзига ҳо жиҳати. Аввалги мундиалларда так-рорий намоиш имконият-лари бу даражада бўлмаган. Тасаввур қилинг, юзга яқин камералар "нигоҳи"дан ҳеч бир қондабузиш қочиб қуту-лолмайди. Шунинг учун бу йилги чемпионат анча да-ғаллашгандек туюлгандир бизга. Нима бўлганда ҳам очқ қўполлик қилиб, бу ҳам етмагандек, ҳакамларга ўшқириб профессионал футболчиларга ярашмас экан ва муҳлисларнинг ҳам дилини хира қиларкан.

Муҳлислар яхши эсла-шадими, шу пайтгача бўлиб ўтган мундиалларнинг ҳам-масида чемпионликка даъ-вогарлар қаторида тилга олинган айрим атоқли тер-ма жамоаларининг ўйинида эрта қоқилиб, баравақт уйга қайтганларига ғувоҳ бўл-ганмиз. Аммо бу галгиси ҳаммасидан ҳам ошиб туш-ди. Амалдаги жаҳон че-мпioni Италия ва у билан тўрт йил аввал Германия-

да ўтказилган XVIII че-мпionатнинг финалида голиб-лик учун курашган вице-чемпион Франция терма жамоаларининг гуруҳ бос-қичидаёқ мундиални шар-мандаларча тарқ этиш-ларини ким ҳам ўйлаб қўри-бди. Нисбатан ўртача жамоа-лардан иборат гуруҳларда тўп сурган бу икки жамоа бирорта ўйинида галаба қозонолмай, аксинча, аут-сайдерлардан мағлуб бўли-шиб, энг сўнгги поғоналар-да қолиб кетдилар.

Балки нотўғридир, лекин "бу икки атоқли жамоа бош мураббийларнинг ўжарли-

лари ошириб берган тўпни ҳеч қандай қаршилиқсиз гола айланттирди. Бу пайт-да Мело қаерда қолганди?

Умуман, Филиппе Мело ким ўзи? Қайси жамоа аъ-зоси? Бошқаларни билмадиму, биз бу номни ҳеч қачон эшитмагандик. Қолаверса, бразилияликлар таркибида яна икки-уч шундай янги ўйинчилар тўп суришди. Улар кимлар? Бош мураббий Карлос Дунганинг "ёқимтой-лари"ми? Жаҳон че-мпionа-тидек катта мундиалда "ёқимтойлар" эмас, балки маҳоратли ва чинакам жон қўйдириб ўйнайдиган фут-

Очилини айтганда, биз майдонда яхлит, уюшган жамоани кўрмадик. Асосан, Жерард ва Лемпард жуфт-лиги кўзга ташланиб тур-ди. Бошқа ўйинчилар ую-шиб ҳаракат қилиш, бир-бирларига тўпни аниқ оши-ришда қовушмадилар. Оқи-батда жамоанинг етакчи ўйинчиси Уэйн Руни яқка-ланиб қолди. Уни тўп бил-лан таъминловчилар топи-лмади. Майдонда ўзини ёлғиз ҳис этган ўйинчининг руҳиятидан нималар ке-чи-ши, қандай афғиятда тўп суришини тушуниш қийин. Капелло етук мутахассис

ўйинлар соқинликка ке-чди. Демак, ҳаётимиз жиддий ҳато-ларга йўл қўймади. Айрим учрашуларда ўйиндан ташқари ҳолатдан киритилган, шунингдек, но-ҳақ ҳисобга олинмаган гол-ларга ҳам ғувоҳ бўлдик. Ҳакамларни қўлчилик бўлиб ўртага олиш ва дўқ қилиш ҳолларини ҳам кузатдик. Аммо бу вазиятларни юқори-да таъкидлаганимиздек, ке-йинги йилларда футбол бир-роз қўполлашганига йўйган маъқул, деб ўйлаймиз.

Терма жамоаларга жалб этилган футболчиларнинг ўйинлари анча қўполлаш-гани учинчи ўрин ва финал учрашуларига ҳам яққол қўринди. Айниқса, финал баҳси сариқ карточкаларга бой бўлди. Улардан бири, қизилга айлангани ҳам ул-гурди. Голландлардан сак-киз кишининг қўполликлари-ни ҳакам одилона жазо-лади. Тўп баҳона сакраб, рақибнинг қўқсига тепиш спортнинг бошқа турида қўлланладиган усул, фут-болга эса алоқаси йўқ. Тўда бўлиб, ҳакамга нима қилиш кераклигини ўрга-тиш нафақат футбол қоида-си, балки одоб доирасидан ҳам ташқари ҳол.

Футбол – миллионлар ўйини. У доимо миллион-ларнинг севибли ўйини бўлиб қолиши учун фақат профессионал маҳоратга асосланиш, киши таъбини хира қиладиган ноҳўя хат-ти-ҳаракатлардан холи бўлмоғи керак. Қўполлик ҳуусида қўп гапириб юр-ганимизнинг боиси шу.

Спортда башорат беҳу-да нарсас. Айниқса, футбол-да. Гуруҳлардаги учрашу-лардан сўнг қўлчилик мух-лис ва мутахассислар Бра-зилия ва Аргентинанинг "фи-налга олиб чиқиб қўйган" эдилар. Амалда эса уларни нафақат финал, балки ярим финалда ҳам кўрмадик.

Уругвайнинг ярим фи-налга чиқиб, 32 жамоа ора-сида қучли тўрликдан жой олиши "Мундиал – 2010"-нинг қўлчанган, аммо жуда ўринли воқеаси бўлди. Жа-нубий Америкаликлар ярим финалда Голландия, учин-чи ўрин учун Германия бил-лан деярли тенгма-тенг ўйин кўрсатди. Ҳар икки ўйинда бир хил – 2:3 ҳисо-би қайд этилгани шундай дейишга асос бўлса керак.

Энди асосий саволга кел-сак. Ҳўш, Испания терма жамоаси чемпионликка му-носиб эдимиз? Бу саволга ҳам "ха", ҳам "йўқ" деб жавоб бериш мумкин. Улар нимчорак финалда Пара-гвайни, ярим финалда эса Германияни босиб ўтдилар. Финалда голландларга нисба-тан чаққонроқ ва кўпроқ ҳужумлар уюштирдилар. Ни-ҳоятда уюшган жамоа экан-ликларини намоиш этиш-ди. Улар мамлакат тарихи-да биринчи бор жаҳон че-мпioni унвоғига эга бўлди-лар. Инестра 116-дақиқада уюшган жамоанинг машақ-қатли меҳнатини муносиб яқуллаб, XIX жаҳон че-мпionатнинг сўнгги голини та-бло-га муҳрлади.

Бизнинг шахсий ҳулоса-миз шуки, бир ой давом этадиган энг катта мунди-алдан ҳар қандай натижани қуттиш мумкин. Манаман деган зўрлар ҳам мағлуби-ят аламини топишлари, ауд-сайдерлар эса, че-мпion бўлмасида, ўз имконият-лари нисбатан юқориқроқ поғоналарни эгаллашлари ҳеч гап эмас. Чунки, май-дон текис, тўп эса думалок, **Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАЙДОН ТЕКИС, ТЎП ДУМАЛОК



Футболда олдидан башорат қилиш беҳудалигини навбатдаги XIX жаҳон чемпионати яна бир бор исботлади



ги, ўзбилармонлиги қурбо-ни бўлмадилармикин", де-ган фикр ҳаёлимиздан ўтди. Италияни кўтүради-ди. Франция терма жа-моаси аъзоларининг ноҳуш қайфияти ва бош мураббий Раймонд Доминекнинг "хурмача қилиқ"лари ҳа-қида чемпионат олдидан ҳар хил гаплар болалаб кетганди. Қолгани муҳлис-ларга маълум, такрорлаш-нинг ҳожасти йўқ.

Бизга ҳолата, мутахассис эмас, шунчаки муҳлис си-фатида Англия билан Бра-зилиядек забардаст жа-моаларнинг "муддатидан илгари" мағлубиятларига асосан бош мураббийлар айбдор деган бўлардик. Жаҳоннинг беш қарра че-мпioni Бразилия кучли тўртлиқда ҳам қиролмади. Голландиянинг бу номдор жамоани мағлубиятга учра-тишини қўлчилик қутмаган-ди, десак хато бўлмас. Бизнингча, бу учрашув тақ-дирини Бразилия терма жамоасининг марказий жамоачиси Филиппе Мело ҳал қилди қўйди. Аввал-ига, жамоаси 1:0 ҳисобида олдидан бораётганида, ра-қиб ҳужумчиси тепган тўпни дарвозабон ушлаб олишга шай турганида Мело уни туртиб юбориб, тўпни "усталик билан" ўз дарвозасига жойлаб қўйди. Кейин рақиб ярим ҳома-чиси Снайдер ҳам айнан Мело қўриқлайдиган жой-дан, яъни дарвозанинг рўпарасида туриб, шерик-

болчилар мамлакат шаъни-ни муносиб ҳимоя қила оли-шини Дунга тушунамасиди? Дунёдаги ФИФАга аъзо ҳамма мамлакатларда тўп сураётган юзлаб бразилия-лик профессионал футбол-чилар орасидан ўн бир на-фар энг моҳирларини тан-лаб олиш наҳотки, шунчалар қийин бўлса? Дунга ном-лари муҳлислар оғзидан ту-шмайдиган олдзуларни уйда қолдириб, таркибда анчаги-на янги ўйинчилар билан мундиалга таҳриба орттир-гани келмагандир ахир?

Англия футболга таъриф-га муҳтож эмас. Жаҳонга танилган номдор футбол-чилари ҳам етарли. Аммо шундай жамоа нимчорак финалдаёқ "немис маши-наси" чангида қолиб ке-тди. Агар англияшмасак, бун-да терма жамоа бош му-раббийи Фабио Капелло-нинг ҳам қаттигани "ҳисса-си" бор. У мундиалдан анча илгари терма жамоа-га бош мураббий этиб та-йинланган эди. Шундан сўнг Англия чемпионати ўйинларини ҳар сафар то-моша қилганимизда май-донда тўп сураётган ўйин-чиларнинг савй-ҳаракат-лари ниқиб билан кузатиб ўтирган Капеллонинг опе-раторлар тез-тез намоиш этиб боришди. Айтмоқчи-мизки, бу мураббий қайси ўйинчи қандай имкониятга эга эканлигини аниқлаб олиш учун етарли вақт ва имкониятга эга эди. Бун-дан у қандай фойдаланди?

сифатида шуларни ҳисоб-га олса бўлмасмиди?

Инглизларнинг немис-лардан йирик ҳисобда ен-гилганлари ҳақида гап бор-ганда бир ҳолатни ҳисобга олиш жоиз. Учрашувнинг биринчи бўлими ўрталари-даёқ 0:2 ҳисобида орқада қола бошлаган инглизлар ўзларига қелиб, ҳужумга зўр бердилар. Аввал ўрта-лардан фарқи биттага қис-қартирдилар. Кейин ҳисо-би тенглаштирдилар ҳам. Аммо шу ўринда ҳакамлар-нинг биргина хатоси ўйин йўналишини мушлақо ўзгар-тириб юбориши мумкинли-ги яққол қўринди. Ҳакам операторлар турли нуқта-лардан такрор ва такрор намоиш этган ўз фоизи-лини ҳисобламади. Бун-дан руҳий тушуқликка ту-шиб, асаблари таранглаш-ган инглизларнинг ўйинла-ри қовушмай қолди. Ҳу-жумчилар икки-уч марта дарвоза тўсини ва устуни-ни поймагач, тақдирга тан беришга мажбур бўлди-лар. Шундан сўнг немис-лар ҳисоби 4:1 қўриниши-га олиб келдилар.

Дарвоқе, ҳакамлик савия-си ҳақида икки оғиз сўз. Умумий баҳо берадиган бўлсак, бизнингча, ҳакам-лар ўз вазифаларини ҳар ҳолда яхши урдадилар. Айниқса, ватандошимиз Равшан Эрматов ҳакамлик иттидорини яна бир бор намоиш этиб, мамлақати-миз шаънини урдулади. У ҳакамлик қилган барча

КИШЛОҚ ХАНГОМАЛАРИ

«ОЛАБУЖИ» ДОМЛА

Салкам 40 йилдан буён қишлоқ мактабида ўқитувчи-лик қилаётган Обиджон ахони телестудияга таклиф этиш-ди.

Кўрсатувга чиқадиган бир соатча аввал телестудияда уни 40-45 ёшлардаги бир қўлиқина аёл қутиб олиб, ичкарига бошлади. Аввал гримхонага киришди. Домла сартарошхонани эслатувчи катта-катта кўзгулар ўрнатил-ган хонада бир қиз кўрсатган креслога ўтирди. Қиз дом-ланинг юзларига обдон ишлов берди. Аввал қолларига, сўнгра юзларига алламбалоларни суртди...

Кўрсатув тугагач, Обиджон ахони ташқарига чиқиб шаҳар автобусида автостанцияга йўл олди. Кун иссиқ эди. Тер-лаб, ҳар-ҳар замон рўмолчаси билан юз-қўзларини артиб қўярди.

Негадир одамлар унга таажжуб билан қараб-қараб қўйишарди. Домла хайрон бўлди.

Автостанцияда "Тошкент – Бекобод" автобусига чи-қиб, қишлоғига жўнади. Бу автобусда ҳам одамлар ўзига галати қараётганини сезди. Унига келгач, дарвозадан кириши билан хотини ҳам уни анграйганча қутиб олди.

– Неге анграясан? – деди Обид ахони хайрон бўлиб.

– Афтингизни қаранг! Сизга нима бўлди ўзи...

Домла ҳовлида ўрнатилган тошойна олдига борди. Не кўз билан кўрсинки, тошойнадан юзларига бўёқ оқиб тушган, лунжида алоқ-жалоқ ўпа излари қолган "олабу-жи" бир одам унга тикилиб турарди.

Юзларини ювар экан, автобусда одамлар бекорга унга ҳайратланиб қарамаганлигини англаб, ўзининг соддали-гидан завқланиб қулди.

«ИСО» ҚАНИ?

Собиқ жамоа ҳўжалиқларидан бирига кимларнингдир "қўтар-қўтар"и билан шаҳарлик Раҳмон исми киши раис этиб тайинланди. У қишлоқ ҳўжалиги ҳосасидан узок, ҳатто пахтачиликка оид терминларни ҳам тушунамас эди.

Бир кун юқоридан келган комиссия билан далани айланишди. Дала шийпонига келишгач, вакил раисдан:

– Ҳеч қаерда "ИСО"ни учратмадик? – деб қолди.

– Ҳозир "есъ" қиламизда! – деб раис ўрнидан турди ва шофёрига нимандидир тайинлаб, жўнатиб юборди.

Вакил хайрон бўлса-да, ҳайратини яшириб, раис би-лан у ёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтирди.

Бир пайт раиснинг машинаси қайтиб қелиб, шофёр "ҳўжайин"нинг қулоғига бир нарсалар деди. Раис вакил-га юзланиб:

– Уэр, ака, Исо шаҳарга тушиб кетган экан. Келса, албатта, бизга учрашди, – деди.

Вакил бу гапдан қуларини ҳам, қуярини ҳам билмай қолди. Чунки у гўза зараркунадаси – ўргимчакканга қарши сепилладиган олтингургут ва оҳақ аралашмасини назарда тутган эди.

Каримкул МАВЛОНОВ,
Бекобод тумани.

Утеранный аттестат (11 классов) за О'Р-В № 021732, выданный 21.06.1997г. средней шко-лой № 43 Юнусабадского района г. Ташкента на имя Хусановой Дилнозы Расул-матовны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Туризм коллежи томонидан 2008 йилда Орифхўжаев Сардор Маъ-руфхон ўғли номига берил-ган К № 1079014 рақамли диплом йўқолганлиги сабаб-ли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2009 йилда Ахорхўжаев Дилшод-хўжа Собирхўжа ўғли номи-га берилган К № 1429928 рақамли диплом йўқолган-лиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный диплом К № 531269, выданный Ташкен-тским автодорожным ко-леджем в 2006 году на имя Сайфуллина Рашида Рауфо-вича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный диплом К № 1413684 (рег. № 3471), вы-данный 27.06.2009г. Таш-кентским профессиональ-ным колледжом информати-ческих технологий г. Ташкен-та на имя Мингазова Рами-за Рафатовича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранную лицензию № 004246-04, выданную М. Улугбекского хокимиятом г. Ташкента и утеранную круглую печать ЧП "GLOBAL INFORMATION GROUP" (ИНН 300988313), зарегистриро-ванное отделом регистра-ции субъектов предприни-мательства хокимията М. Улугбекского района г. Ташкента по адресу: М. Улугбекский р-н, ул. М. Хошимова, дом № 25, выдан-ный разрешительным отде-лом М. Улугбекского РОВД,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный план кварти-ры на право собственности на квартиру по адресу: Уте-пинский район, квартал-14, дом 1, кв. 9, выданный 06.07.2007г. БТИ Утепин-ского района г. Ташкента на имя Каландаровой Ироды Атабаевны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный план кварти-ры, выданный БТИ С. Рахи-мовского района по адре-су: Караамыш 1/2, дом 13, кв. 60 на имя Икрамовой Турсунай Бердибаевны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный гос. ордер права собственности на квартиру № 06-01/1338 от 24.12.1992г. по адресу: Сергели 8-А, д. 16, кв. 37 на имя Гудзенко Николая Дмитриевича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Кибрай агротехжорат ко-ллежи томонидан 2004 йил-да Қўчқорова Дилфуза Рай-ратовна номига берилган К № 078331 рақамли дипло-м йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО НОЦ "OLTIN QANOT" меняет форму соб-ственности на НОУ "OLTIN QANOT", согласно протоко-лу учредителей № 3 от 09.07.2010г.

Негосударственное обра-зовательное учреждение "OLTIN QANOT" является правопреемником.

Утеранные документы: гос. ордер за № 07-02/744 и план на квартиру по ул. Нигора д. 43, кв. 56, выдан-ный в Хамзиском райо-не на имя Ашурметова Азиз-бека Мирсагатовича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

"RA'NOXON FARM" хусу-сий фирмасыга (ИНН 204103733) берилган тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш, сақ-лаш ва чакана савдо қилиш руқсат этилган № 112747 рақамли лицензия битими йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар I-респуб-лика тиббиёт коллежи то-монидан 2005 йилда Таш-пулатова Зилола Рустамов-на номига берилган К № 280180 рақамли дипло-м йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный план кварти-ры, выданный БТИ Юнуса-бадского района по адре-су: Юнусабад-17, д. 17, кв. 85 на имя Чускиной Вален-тины Ильевны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Chevrolet NIVA
Ҳақиқий автомобилнинг янги қўриниши

Расмий дилер: "SANAR" хусусий корхонаси, www.sanar.uz
Тошкент ш. Х. Умаров к. (мўлжал – Жанубий вокзал, Кичик халқа йўли)
тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-9